



2013 йил 21 ноябрь,  
пайшанба, 47 (523)-сон

# XASR



IJTIMOIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

Газета 2004 йил  
1 январдан чида бошлаган.  
e-mail: axborotXlasr@yahoo.com,  
web sayt: www.2lasr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



**500 минг нафарга  
яқин тадбиркор  
аёлимиз бор**

**3 МУНОСАБАТ**



**Депутат ва  
БПТ  
ҳамкорлиги**

**5 ҚҲЙИ  
БЎҒИНЛАРДА**



**«Қора  
ажал»  
оғушида**

**7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ**

▼ **ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ**

## Очиқлик ва ошкораликнинг ҳуқуқий асоси

Қарши шаҳрида О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси синови бўйича амалга оширилаётган ҳуқуқий эксперимент ва унинг натижалари муҳокама этилди

Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлик гуруҳлари аъзолари, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Савдо-саноат палатаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Робохон Абдурашулова, вилоят Фермерлар кенгаши раиси Бахтиёр

Сафаров, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси бошлиғи Саъдулла Бобоқулов сўзга чиқиб, мазкур қонун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши, бинобарин, унинг янада такомиллаштирилиши ва қабул қилинишидан жамиятимизда стақчи ижтимоий кучга айланиб бораётган тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлар ҳар жиҳатдан манфаатдор эканлигини таъкидладилар.

4»»



Соллик ЗОИР олган сурат

## Кичик бизнес иш ўринлари яратишнинг энг самарали усулидир

О'zLiDeP фракциясининг «2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилишида 2014 йили мамлакатимизда 980 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилаётгани таъкидланди

Йиғилишида қайд этилганидек, «2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» туман ва шаҳарлар кесимида меҳнат бозоридagi талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлари ривожлантириш дастурларига мос равишда тайёрланган. Ана шу муҳим ҳужжатдан қўзда тутил-

ган асосий мақсад иш ўринлари яратиш бўйича мавжуд салоҳиятдан демографик омилларни ҳисобга олган ҳолда оқилона фойдаланиш, бандлиқнинг самарали шакллари ва аҳолининг ишбилармонлик ташаббусларини рағбатлантиришдан иборат. Шунинг учун ҳам янги объектларни шига тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация-

лаш ва қайта жиҳозлаш, саноат, қурилиш, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инфратузилма, коммуникация ва уй-жой объектлари қурилиши қўламини кенгайтиришга дастурда алоҳида эътибор қаратилган.

3»»



▼ **Сўз – форум иштирокчипариги**

## Ўзбекистон қуёш энергиясидан фойдаланиш борасида улкан салоҳиятга эга

Тошкент шаҳрида 20-23 ноябрь кунлари Осиё Қуёш энергияси форумининг 6-йиғилиши бўлиб ўтади

Мазкур халқаро анжуманда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган хорижий мутахассислар, олимлар ва экспертлар 20 ноябрь кунин Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги «Физика-Қуёш» пилний-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида бўлиб, ушбу институт

фаолияти, тадқиқотчилар учун яратилган шарт-шароит, қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида олиб борилаётган илмий изланишлар, ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар билан танишдилар. Туманда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган замонавий уй-жойларни бориб кўрдилар.

ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан сўхбатлашди.

2»»

**КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:**

«ХУСУСИЙ МУЛКНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ ВА МУЛҚДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ Тўғрисида»ГИ ҚОНУННИНГ 1-БОБИДА ХУСУСИЙ МУЛҚ ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИ, ХУСУСИЙ МУЛҚ ҲУҚУҚИНИНГ МУДДАТСИЗЛИГИ, БУЗИЛГАН ХУСУСИЙ МУЛҚ ҲУҚУҚИНИНГ ТИҚЛАНИШИ ҲАМДА МУЛҚДОР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ УСТУВОРЛИГИ АНИҚ БЕЛГИЛАБ ҚўЙИЛДИ.

**Тўлқин ТУРСУНОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси

**ПАРЛАМЕНТДА**

## Қонун ижроси назорати янада кучайтирилиши керак

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари Жиззах ва Хоразм вилоятларида «Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талаблари қандай бажарилаётганини муҳокама қилдилар

— Кейинги йилларда почта тизимининг моддий-техник имкониятлари яхшилангани мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ҳам кескин ошириш имконини берди, — дейди Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Абдурашид Жўрабоев. — Почта алоқаси объектларида электрон пул жўнатмалари, коммунал тўловларни қабул қилиш каби интерактив хизматлар назоратининг автоматлаштирилиши тизими йўлга қўйилгани сабабли сон ва сифат кўрсаткичлари ҳам илҳобий томонга ўзгарди. Мисол учун, 2013 йилнинг тўққиз ойида пул жўнатмалари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Хоразмда 3, Жиззах вилоятида эса 1,2 бараварга кўнайган.

Почта алоқаси корхоналарида интернет орқали обуна уюштириш мақсадида «Даврий нашрлар тарқатилишини ҳисобга олиш ва назорат этиш автоматлаштирилган тизими» («Обуна» АТ) ишлаб чиқарилаётгани ҳам диққатга сазовор. Шунингдек, почта ва қурьерлик жўнатмала-

ри хавфсизлигини таъминлаш учун қўлланилаётган видеокузатув тизимининг техник имкониятлари ҳам тобора кенгайтирилишти.

Қонун талаблари қандай бажарилаётганини назорат-таҳлил тартибида ўрганганимизда фуқароларга пенсия ва нафақаларни, обуначиларга эса турли нашрларни ўз вақтида етказиб бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратдик, — дейди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Нуриддин Муротов. — Бу борда ҳар икки вилоятда ҳам илҳобий ўзгаришлар кўзга ташланди. Айниқса, почта алоқаси объектлари Ўзбекистон Республикаси Мотля вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг автоматлаштирилган тизими билан улангани нафақа пулларини беришда ҳам қўшимча қўлайлик яратган. Лекин хат-хабарлар, расмий ёзишмалар ва босма нашрларни ўз вақтида етказиш масаласида қонун талабларига тўлиқ риоя қилинапти, деб бўлмайд.

3»»

▼ **8 ДЕКАБРЬ - ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КҲНИ**

## КОНСТИТУЦИЯ ВА ЁШЛАР

О'zLiDeP «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган давра сўхбати ташкил этилди

Тадбирда Бош қомусимиз Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги изчил сайёҳаракатларнинг мустақкам ҳуқуқий қафолати бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Зеро, унда тенглик, эркинлик, биродарлик, миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик гоялари ўз ифодасини тошган. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», дея қатъий белгилаб қўйилган.

4»»



## ДАВР БИЛАН ҲАМҚАДАМ

«Ўзэкспомарказ» кўргазмалар мажмуасида Ўзбекистон матбуоти III Миллий кўргазмаси бошланди

Мазкур кўргазма Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан қатор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси М.Ҳўжамбердиев, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақкам йилларда илҳобий-иқтисодий тармоқлар билан бирга оммавий ахборот воситалари, матбаа, нашриёт соҳаларини жадал раванқ топтиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

2»»

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 19 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади.\*

\* Валютани қийматини белгилаш ҳолида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки олиш мажбуриятини олмайди.

|                         |           |                    |           |                    |           |                        |           |                    |          |
|-------------------------|-----------|--------------------|-----------|--------------------|-----------|------------------------|-----------|--------------------|----------|
| 1 Австралия доллари     | ▲ 2054,21 | 1 АКШ доллари      | ▲ 2186,96 | 1 Ҳитой юани       | ▲ 359,05  | 1 Туркия лираси        | ▲ 1078,17 | 10 Япония иенаси   | ▼ 218,28 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▲ 3526,25 | 1 Миср фунти       | ▲ 317,49  | 1 Малайзия рингити | ▲ 684,71  | 1 Швейцария франки     | ▲ 2391,69 | 1 Россия рубли     | ▼ 66,92  |
| 1 Дания кронаси         | ▲ 395,57  | 1 Исландия кронаси | ▲ 18,06   | 1 Польша злотийси  | ▲ 705,88  | 1 ЕВРО                 | ▲ 2967,49 | 1 Украина гривнаси | ▲ 273,61 |
| 1 БАА дирҳами           | ▲ 595,43  | 1 Канада доллари   | ▲ 2097,00 | 1 СДР              | ▲ 3341,41 | 10 Жанубий Корейя вони | ▲ 20,61   |                    |          |

|                         |           |                    |           |                    |           |                        |           |                    |          |
|-------------------------|-----------|--------------------|-----------|--------------------|-----------|------------------------|-----------|--------------------|----------|
| 1 Австралия доллари     | ▲ 2054,21 | 1 АКШ доллари      | ▲ 2186,96 | 1 Ҳитой юани       | ▲ 359,05  | 1 Туркия лираси        | ▲ 1078,17 | 10 Япония иенаси   | ▼ 218,28 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▲ 3526,25 | 1 Миср фунти       | ▲ 317,49  | 1 Малайзия рингити | ▲ 684,71  | 1 Швейцария франки     | ▲ 2391,69 | 1 Россия рубли     | ▼ 66,92  |
| 1 Дания кронаси         | ▲ 395,57  | 1 Исландия кронаси | ▲ 18,06   | 1 Польша злотийси  | ▲ 705,88  | 1 ЕВРО                 | ▲ 2967,49 | 1 Украина гривнаси | ▲ 273,61 |
| 1 БАА дирҳами           | ▲ 595,43  | 1 Канада доллари   | ▲ 2097,00 | 1 СДР              | ▲ 3341,41 | 10 Жанубий Корейя вони | ▲ 20,61   |                    |          |

## Мамлакатингизда

бошқа соҳалар қатори энергетика ҳам жадал ривожланмоқда.

### СЎЗ — ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА



## Ўзбекистон куёш энергиясидан фойдаланиш борасида улкан салоҳиятга эга

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

**Ашриянто КУКУ,**  
«Green Energy» компанияси директори (Индонезия):  
— Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Физика-Куёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида бўлиб, бу ерда олиб борилаётган тадқиқотлар ва илмий-техник ютуқлар билан танишдик. Илгор технологиялар билан жиҳозланган институтида ўтказилаётган илмий тадқиқотлар самаралари Ўзбекистон иқтисодиётининг кўплаб тармоқ ва соҳаларида кенг жорий этилаётганини диққатга сазовор.  
Ўзбекистонлик мутахассислар билан куёш энергиясидан самарали фойдаланиш бўйича фаол ҳамкорлик қилиш ниятидамыз.

**Иштван ХЕЦЛЕР,**  
«Sonnenkraft» компанияси савдо директори (Венгрия):  
— Ўзбекистон муқобил энергетика соҳасида улкан салоҳиятга эга эканига ишонч ҳосил қилдик. Хусусан, мамлакатингиз иқлими куёш энергиясидан фойдаланишда жуда қўл келади. Ўзбекистонда йилнинг қарийб 300 кунни офтоб чараклаб туриши куёш энергиясидан фойдаланишда улкан имкониятдир.  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Физика-Куёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси негизда Осие тараккиёт банки ва бошқа молия институтлари билан ҳамкорликда ташкил қилинаётган Халқаро куёш энергияси институти бу борадаги ишларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

**Борис КОРОБКО,** Украина Фанлар академияси академиги:  
— Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда энергия манбаларида оқилона фойдаланиш, экологик соф технологияларни ҳаёtgа жорий этиш, муқобил энергиядан фойдаланишни кенгайтириш, бу борадаги илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганидан яхши хабардормыз.  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Физика-Куёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида олимлар учун яратилган шарт-шароитлар бу соҳага қаратилаётган эътиборнинг амалдаги яққол ифодасидир.  
Ушбу институтида яратилган илмий тадқиқотларни хорижда ҳам яхши билишди. Бир неча йил илгари бу ерда куёш нуруни лазер нурига айлантириш технологияси яратилгани илмий доираларда катта шов-шув бўлган эди. Бу технология 2010 йилда ЮНЕСКОнинг йиллик ҳисоботида энг яхши ишланмалардан бири сифатида эътироф этилган.

**Майкл ТЕНГ,** Сингапур ишлаб чиқарувчилари федерацияси вакили:  
— Ўзбекистон муқобил энергия манбаларини ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга эканига амин бўлдим. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Физика-Куёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида экологик соф энергиядан фойдаланиш борасида олиб борилаётган илмий изланишлар эътиборга молик. Институтида амалга оширилаётган илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш мамлакатингиз иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилади.  
Қўшлок жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойларни кўриб, жуда хавасим келди. Мазкур уйлarning лойиҳаси, ўзига хос дизайн, уларни барпо этишда фойдаланилган қурилиш материалларининг юқори сифати таҳсинга лойик. Бу материалларнинг Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётгани мамлакатингизда қурилиш материаллари индустрияси ҳам жадал ривожланаётганидан далолатдир.

**Майкл ЭДЕЛЬШТЕЙН,**  
Атроф-муҳитни ўрганиш институти директори, профессор (АҚШ):  
— Куёш энергияси технологияларининг тенденциялари ва истиқболларига баъишлаб ташкил этилган ушбу халқаро форум нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё учун муҳим аҳамиятга эга.  
Куёш энергияси экологик софлиги ва қулайлиги нуқтаи назардан жуда истиқболлидир. Куёш қурилмалари марказлашган электр ва иссиқлик тизимларидан узоқда жойлашган ҳудудларни электр энергияси ва иссиқлик билан таъминлашда жуда фойдали. Ўзбекистон бу борадаги мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланаётгани қувонарли.

**Петерис ШИПКОВС,**  
Латвия Фанлар академиясининг физика-энергетика институти энергия ресурслари лабораторияси мудри, профессор:  
— Ўзбекистонда бошқа соҳалар қатори энергетика ҳам жадал ривожланмоқда. Паркентдаги «Физика-Куёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Материалшунослик институтида амалга оширилаётган ишларни кўриб, бунга яна бир бор амин бўлдим. Институтида йирик ва кичик куёш энергетик қурилмаларини яратиш, куёш қурилмаси функционал имкониятларини кенгайтириш каби йўналишлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилаётган. Институти олимлари билан тажриба алмашини, дунёда энергетика соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида фикрлашни имкониятига эга бўлдик.

Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА, Холмурод САЛИМОВ (ЎЗА махсус мухбирлари) ёзиб олди.

## Ҳаётимни ёш авлод

тарбиясига бағишлаб, муносиб шоғирлар вояга етказётганимдан бахтиёрман.

# Давр билан ҳамқадам

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

**Назokat УСМОНОВА,**  
ЎЗА мухбири

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашда ҳам сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб берди. Ахборот соҳасини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар оммавий ахборот воситаларининг фаол ривожланиши учун кенг имкониятлар очмоқда.

Соҳага давлатимиз томонидан кўрсатилаётган доимий эътибор натижасида оммавий ахборот воситалари амалга оширилаётган изчил ислохотлар очкилигини, фуқароларнинг сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Матбуот, телевидение ва радиоканалларнинг глобал интернет тармоқидан жой олиши учун кенг имкониятлар яратилгани барча соҳалардаги туб ўзгаришларнинг очкилигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон медиа тузилмаларининг мамлакатимиз ва хорижда бўлиб ўтаётган нуфузли халқаро форумларда мунтазам иштирок этаётгани жаҳон ахборот маконида уларнинг муносиб ва фаол ўрни борлигидан далолатдир.

Соҳанинг давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани натижасида 2013 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра юртимизда оммавий ахборот воситалари сони 1377 тани ташкил этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори босма ва электрон медиа тузилмалар, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот таркатувчи ташкилотлар фаолиятини буғунги тезкор давр талабига мўнажд йўлга қўйиш учун зарур шароит яратиш, бу жараёнда оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлашда муҳим омили бўлмоқда. Ушбу қарор ахборот соҳасини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг



ролини оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

— Президентимиз томонидан матбаа соҳасини ривожлантиришга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик жамоамиз фаолиятини ўзининг яққол ифодасини топмоқда, — дейди «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи директорининг биринчи ўринбосари Муҳаммаджон Зайтаев. — Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган тегишли қарори асосида корхонамиз учун ҳам қўшимча қулайлик ва имтиёзлар яратилди. Бу янги-янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, соҳани техник ва технология жиҳатдан модернизациялаш, пировардида босма махсулотларнинг сифати ва турини кўпайтириш, таннархини нисбатан арзонлаштириш имконини бермоқда.

«Ўзбекистон матбуоти» Ш Миллий кўргазмасида қатор босма даврий нашрлар ва нашриётлар, электрон оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятига оид маълумотлар акс этган махсус стендлар, ранг-баранг махсулотлари билан иштирок этмоқда. Миллий кўргазма доирасида нашрларнинг томонидан икки юздан зиёд янги номдаги китоб тақдимоти, адаб ва шоирлар, кўргазма иштирокчилари билан учрашувлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Уч кун давом этадиган мазкур кўргазмада мамлакатимиздаги олтиндан зиёд, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Германия, Россия

каби ўндан ортқ давлатлар компаниялари ўз махсулотлари билан катнашмоқда. Улардан бири Германиянинг полиграфия дастохлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Heidelberg» компаниясидир. Компания 15 йилдан буён мамлакатимизнинг матбаа бозорига босмахоналар, нашриёт-матбаа ижодий уйлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

— Ушбу кўргазма Ўзбекистоннинг полиграфия соҳасидаги улкан салоҳиятини, мавжуд имкониятлари, янги-янги истиқболларини намойиш этишда, соҳага оид янгиликлар билан танишишда муҳим ўрин тутди, — дейди Германиянинг «Heidelberg» компаниясининг минтақавий офиси раҳбари Йозеф Мозер. — Матбаа корхоналарига қўшимча иқтисодий қулайликлар яратиш, янги маърифат масканларини барпо этишга оид саъй-ҳаракатлар юргингизда таълим соҳасидаги ислохотларни янада ривожлантириш, ёшларни юксак билим ва тафаккур соҳиб этиб камолга етказишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

«Ўзбекистон матбуоти» Ш Миллий кўргазмаси доирасида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» шори остида «Жамиятнинг маънавий-маърифий тараккиётида китобнинг ўрни» мавзусида илмий-

амалий семинар ўтказилади. Кўргазма давомида «Йилнинг энг яхши китоби» V республика кўрик-танловининг натижалари ҳам эълон қилинади. Унда мамлакатимиз нашриётлари бешта йўналиш бўйича китоблари билан катнашади. Танлов ғолиблари «Ўзбекистон матбуоти» Ш Миллий кўргазмаси якунида ташкилотчилар томонидан тақдирланади.

## БАРЧАМИЗНИНГ УМУМИЙ УЙИМИЗ

Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган «Обод турмуш шаклланишида миллий ва маънавий қадриятларнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.  
Республика Байналмиал маданият маркази директори Н.Мухаммадиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида миллати, дини, тили ва ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, барча фуқаролар тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани мустаҳкамлаб қўйилганини таъкидлади. Ўзбекистоннинг миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги катта тажрибаси жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда ва кўплаб мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда турли миллат ва элатлар ўз миллий маданияти, тили, анъана ва урф-одатларини ривожлантириши учун барча шароитлар яратилган. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1992 йилда ташкил этилган Республика Байналмиал маданият маркази мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш борасида кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.  
— Мамлакатимизда барча миллат вакиллари тинч-тотув, ахил-иноқ ва фаровон ҳаёт кечирмоқда, — дейди Хивадаги 20-Меҳрибонлик уйи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак. — Уларнинг ўз иқтидорларини намойиш этиши учун барча шароитлар яратилган. Мен Ўзбекистоннинг энг бахтли аёллариданман. Ҳаётимни ёш авлод тарбиясига бағишлаб, муносиб шоғирлар вояга етказётганимдан бахтиёрман.  
Тадбирда Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳияти ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдаги аҳамияти хусусида батафсил сўз юритилди. Семинар доирасида ташкил этилган «Кўпмиллатли ва кўпконфессияли Ўзбекистон» кўргазмасида вилоятда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари билан миллий либослари, таомлари, тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган махсулотлар, тасвирий санъат асарлари намойиш этилди. Ватанини, тинчлик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

А.ШОКИРОВА, ЎЗА мухбири.

## 8 ДЕКАБРЬ - ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ



Елкин ШАМСИДДИНОВ (ЎЗА) олган сурат

## «Оилавий тадбиркорлик

тўғрисида»ги қонун қабул қилингани бу боралги кафолатларни янада кучайтирди

# Кичик бизнес иш ўринлари яратишнинг энг самарали усулидир



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ, «XXI asr»

— Дастурда бандликни таъминлашнинг самарали шакли ва таъбирчан воситаси сифатида касаначилик ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, илгари яратилган иш ўринларининг барқарорлигини сақлаш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланган, — дейди меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ботир Алимухамедов. — Бир сўз билан айтганда, иш ўринлари ташкил этиш параметрлари инвестиция, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш, корхоналарни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, транспорт ва коммуникацияга оид дастурлар билан ўзаро боғланган.

Фракция аъзоларининг фикрича, маъмул ҳужжат лойиҳасини шундан ташқил қилиш зарур. Маҳаллий кенгашлардаги вакиллар бевосита иштирок этган. Шу маънода унинг асосий йўналишлари, устувор жиҳатлари ва

амалга ошириш механизмлари О'zLiDeP электроти саналган тадбиркорлик субъектлари ва иш берувчилар ўртасида кенг муҳокама қилинган бежиз эмас.

— Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) маълумотларига кўра, жаҳонда рўй берган иқтисодий инкироз натижасида дунё бўйича ишсизлар сони 27 млн. кишига кўпайганлиги муносабати билан меҳнат бозорида фаол сифат юритиш, яъни янги иш ўринларини ташкил этиш ва мавжудларини сақлаб қолиш энг долзарб вазифалардан биридир, — дейди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Султонбой Жўраев. — Бугун муҳокама қилинаётган масаланинг мазмун-моҳиятига аввало ана шу нуқтага назардан ёндашиш керак.

Парламент куйин палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Бахриддин Бегжанов эса кейинги 5 йилда дунёда ёшлар ўртасидаги ишсизлик 4 млн. (ёки ҳар йили ўртача 800 минг) кишига кўпайган бир пайтда Ўзбекистонда ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш ва меҳнат бозори талабларига мос равишда касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш масалалари банд-

лик дастурининг ўзагини ташкил қилаётгани эътиборга лойиқ эканини қайд этди. Энг муҳими, ХМТнинг меҳнат бозорини бошқаришдаги тавсиялари «2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг максад ва вазифаларига тўла мос келади.

Келгуси йилга мўлжалланган дастурининг ҳудудлар ва тармоқлар бўйича прогноз параметрлари аҳолининг, айниқса, биринчи маротаба меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар, банд бўлмаган шахслар, ишдан бўшаб қоладиган ходимлар эҳтиёжи, sanoat, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнеснинг ривожланиши муносабати билан ишчи кучига бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда аниқлашиб, жами 983,6 мингта янги иш ўрни очиб қўйишга тўғри келиши, шу жумладан, ишчи объектларни ишга тушириш, фаолият юритаётган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш орқали 59,4 мингта иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган бўлса, sanoat ва қурилиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида кичик бизнесни жалб ривожлантириш ҳисобига 370 мингта янги иш ўрни ташкил эти-

лиши кўтилмоқда.

— Давлат дастурида, шунингдек, белгиланган иш ўринларининг 37,6 фоизи хусусий секторга кенг имкониятлар бериш орқали бажарилиши кўзда тутилмаст. Бундан ташқари, 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг юқори даражасини сақлаб қолиш максатида тижорат банкларини томонидан жами 6,6 трлн. сўмдан ортиқ маблағ ажратилиши режалаштирилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Йўналишда, шунингдек, 2014 йилги бандлик дастурини амалга ошириш тўғрисида яқка тартибдаги тадбиркорлик соҳасида 112,6 минг, уй меҳнатига асосланган касаначилик ва оилавий тадбиркорлик йўналишида 221,3 минг нафар банд бўлмаган фуқаронинг биринчи навбатда, аёллар ва аҳолининг ижтимоий муҳофазатга муҳтож тоифаларини иш билан таъминлаш имконияти яратилиши қайд этилди. Кези келганда, иқтисодиётнинг турли соҳаларида кичик бизнеснинг қулай шакли бўлган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур қонунчилик базаси такомиллаштирилгани, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун қабул қилингани бу боралги кафолатларни янада кучайтиргани эътиборга молик эканлиги ҳам депутатларнинг диққат марказида бўлди.

Фракция аъзоларининг фикрича, бундан ташқари ярмаркаларини ташкил қилиш ҳам меҳнат бозоридаги таъбирчан сифатнинг муҳим услуби саналади. Бундан максад — иш изловчиларини тақлиф этилаётган бўш жойлар билан таништириш, шунингдек, уларга меҳнат бозори, мавжуд бўш иш ўринлари ва янги касба ўқитиш тўғрисида тўлиқ маълумот беришдан иборат. Шунинг учун ҳам 2014 йилда барча шаҳар ва туманлардаги корхона ва ташкилотлар иштирокида 1170 та бўш иш ўринлари ярмаркасини ўтказиш режалаштирилган.

Йўналиш якунида «2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» лойиҳасини маъқуллаш тўғрисида фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

# Қонун ижроси назорати янада кучайтирилиши керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Ўз мухбиримиз

Шунинг учун ҳам йўналишда почта жўнатмаларини белгиланган манзилга етказиш тартибига алоқа тармоқлари ва алмашув пунктлари етарли даражада амал қилмаётгани таъкидланди. Масалан, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Жиззах филиалининг Янгиқишлоқ, Ўсмағ ва Зарбдор сингари алоқа тармоқларида чакана савдога мўлжалланган турли ўрамдаги босма нашрлар учун юк хатлари йўқлиги аниқланган. Бу эса «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонуннинг 9 ва 10-моддалари талабига зиддир.

Қонун тартибдаги масала юзасидан Жиззах вилояти хокими ўринбосари Бахтиёр Соатов, Хоразм вилояти хокими ўринбосари Ражаббой Рўзметов, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси ўринбосари Маҳсум Маҳмудов, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бош директори ўринбосари

Хатират Тожиевнинг ахбороти эштилди. Депутатларнинг фикрича, ҳар икки вилоятда почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этишга қаратилган қатор дастурлар қабул қилиниши соҳа ривожига ўзига хос ўрин тутмоқда. Оператор ва провайдерлар фаолиятини мувофиқлаштириш, почта ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва улардан фойдаланувчилар манфаатини ҳимоялаш борасида ҳам сезиларли натижаларга эришилмаст.

Йўналишда, шунингдек, парламентдаги фракциялар вакиллари ўзлари мансуб бўлган сиёсий партияларнинг Ҳаракат дастурлари ва Сайловдаги платформаларидан келиб чиқиб, муҳокама этилаётган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришлари. Жумладан, О'zLiDeP фракцияси аъзолари соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш, почта алоқаси тармоқлари фаолиятини ли-

бераллаштириш чораларини кўриш, бу тизимга бозор тамойилларини янада кенгроқ жорий этиш, тармоқда замо-



**О'zLiDeP фракцияси аъзолари соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш, почта алоқаси тармоқлари фаолиятини либераллаштириш чораларини кўриш, ушбу тизимга бозор тамойилларини янада кенгроқ жорий этиш, тармоқда замонавий инфратузилмани шакллантириш, рақобатли ривожлантириш мақсадида соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда сармоядорларни рағбатлантириш механизмининг такомиллаштириш лозимлигини таъкидладилар.**

навий инфратузилмани шакллантириш, рақобатли ривожлантириш мақсадида соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда сармоядорларни рағбатлантириш механизмининг такомиллаштириш лозимлигини таъкидладилар. Электротариф манфаатларидан келиб чиқиб, почта алоқаси хизматлари турини кўпайтиришда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион технология-

ларни кенг жорий этиш масалаларига эътибор қаратиш мақсадида мувофиқдир. Шу билан бирга, қонун нормала-

технологиялари давлат қўмитаси, «Ўзбекистон почтаси», «Матбуот тарқатувчи» очик акциядорлик жамиятларини рақобатли, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этган тадбирда қонуннинг жойлардаги ижросини таҳлил қилиш борабарига соҳага оид ҳуқуқий асослар ҳамда уш қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан аниқ тақлиф ва тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди. Йўналиш якунида муҳокама қилинган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

## 2013 йилнинг 9 ойида

республикамизда аёллар учун 370 мингдан зиёд иш ўрни яратилди



# 500 минг нафарга яқин тадбиркор аёлимиз бор

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотларнинг салмоқли натижаларга бой даври, дея эътироф этилаётган 2013 йилнинг тўққиз ойи мобайнида республикамизда аёллар учун 370 мингдан зиёд иш ўрни яратилди

Наргиза ҚАҲҚОРОВА, «XXI asr»

Уларнинг яримдан ортиғи эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига ташкил этилди.

«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан ташкил этилган матбуот конференциясида бу жараёнда ННТлар ҳам фаол иштирок этаётгани алоҳида таъкидланди.

— Аҳоли турмуш даражасини оширишнинг энг асосий шартларидан бири, шубҳасиз, фуқароларни иш билан таъминлаш масаласидир, — деди тадбиркор ассоциацияси раиси Гулнора Махмудова. — Айни пайтда мамлакатимизда фаолият юритаётган жами тадбиркорларнинг 35, фермерларнинг эса 10 фоизини аёллар ташкил этаётган. Бу, ўз навбатида, хотин-қизларнинг нафақат оила, балки иқтисодиётнинг турли соҳаларида ҳам фаоллик кўрсатаётганларидан далолатдир.

Юртимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қонундан кейин эса тадбиркор оила-сингилларимиз фаолиятини янада ривожлантириш учун қўшимча қулайликлар яратилди.

Тадбирда таъкидланганидек, айни пайтда ўз атрофида 12000 дан зиёд тадбиркорлик субъектини бирлаштирган ассоциация саъй-ҳаракати билан 130 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. 14 минг нафардан ортиқ хотин-қиз эса бизнес асосларида ўқитилиб, 9 минг нафардан ортиқ вақтинча ишсиз бўлганлар меҳнат бозорида харидориги саналган касб-ҳунарга йўналтирилди. Шу ўринда 2012 йилда қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун хусусий тадбиркорликнинг янги

ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий тадбиркорлар, айниқса, ишбилармон аёллар учун қулай имкониятлар эшигини очганини қайд этиш лозим.

— Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари орасида аёллар саноатининг йилдан-йилга ортиб бориши нафақат мамлакатимиз, балки дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда, — дейди Гулнора Махмудова. — Хотин-қизлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш, ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратишда ассоциация томонидан илгари суриллаётган учта йирик лойиҳа ҳам бу жараёнда ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Шу ўринда мамлакатимизда 200 мингта яқин тадбиркор аёл расман рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият олиб бораётганини, 300 мингта яқин оила-сингилларимиз эса муваққат иш юритаётганларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу жуда катта куч, албатта. Айни пайтда ассоциациямиз олдида турган энг устувор вазифа тадбиркорлик майдонига ташаббускорлик кўрсатаётган, юртимиз равиқига ҳисса қўшишни ўз олдида максад қилган оила-сингилларимиз фаолиятини мувофиқлаштириш орқали уларга Президентимиз фармонлари, амалдаги қонунлар асосида ҳар томонлама ёрдам беришдан иборатдир. Бу жараёнда бизга Ўзбекистон Нодавлат потижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси сингари нуфузли ташкилотлар жуда катта ёрдам бермоқдалар.

Анжуманида, шунингдек, аёлларнинг нафақат ижтимоий, балки сиёсий жиҳатдан ҳам қамол топишлари учун юртимизда муваққат замин яратилгани, уларнинг мамлакат иқтисодий ҳаётидаги ўрнини юксалтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги иштилоқлари қўллаб-қувватланаётгани мисоллар асосида таҳлил этилди.

# КИЧИК БИЗНЕСНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уйлارни молиялаштиришда банкларнинг роли масаласи Самарқанддаги Матбуот уйда ўтказилган навбатдаги анжуманда атрофлиқа таҳлил этилди. Мутахассисларнинг маълум қилишларича, айни пайтда вилоятда тижорат банкларининг 76 та филиали, 300 га яқин мини-банк ва жамғарама кассаси фаолият кўрсатмоқда. Тадбиркорлар молиявий масалаларда айнан шу муассасалар орқали турли маслаҳат ва йўналишлар олиб, товар ва хизматлар бозоридаги вазият билан ҳам танишмоқдалар.

— Утган 9 ойда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиявий манбалар ҳисобидан 433 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бу 2012 йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 баробарга кўпдир, — деди Марказий банкнинг вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Каюм Собиров. — Кредитларнинг асосий қисми «Обод турмуш йили» Давлат дастурига киритилган лойиҳаларга йўналтирилганини эса алоҳида қайд этиш мумкин. Чунончи, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 102 млрд. сўм, sanoat истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга 74 млрд., хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришга 55,7 млрд., ишбилармон аёлларни қўллаб-қувватлашга 40,1 млрд., оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик равиқига 17,2 млрд., таълим муассасалари битирувчиларига 17,8 млрд., шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қорамол сотиб олиш учун қарийб 19 млрд. сўм миқдорда сармоя ажратилди.

Бундан ташқари, тадбирда таъкидланганидек, банк тизими фаолиятининг самарадорлик динамикаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ эканига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, қишлоқларимизнинг янада кўркам ва файзли бўлиб бораётганида, замонавий уй-жойлар бунёд этилиши ҳам молия муассасаларининг иштироки бекиёсдир. Хусусан, 2009-2012 йилларда биригина Самарқанд вилоятида намунавий лойиҳалар асосида 200,6 млрд. сўм маблағ сарфланиб, 66 та қишлоқ массиви барпо этилган. Айни кунда ҳудуднинг 35 та массивида 127 та янги уй-жой қурилиши давом этмоқда. Бунинг учун молия муассасаларидан 102,5 млрд. сўмдан ортиқ сармоя ажратилган.

Муҳаббат РАВШАНОВА.

Сайлов жараёнида қатнашадиган 103787 нафар сайловчи рўйхатга олинди.

## Очиқлик ва ошкораликнинг ҳуқуқий асоси



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

**Сайфулла ИКРОМОВ,**  
«XXI asr»

— Мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида аниқланган камчиликларга ўз электоратимиз манфаатидан келиб чиққан ҳолда ёндашишимиз керак, — дея таъкидлади Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Робахон Абдурашулова. — Учрашув ва мулоқотлар давомида тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларига ўзини ўзи бошқаришнинг таъсирчан механизминини яратиш, уларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини намунавий асосда йўлга қўйиш юзасидан муҳим тақлиф-мулоҳазалар ўртага ташланаётганлиги эътиборга моликдир. Шу маънода қонун ижодкорлиги жараёнида ҳуқуқий эксперимент усулидан фойдаланиш жамиятнинг янада демократ-

лаштириш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, улар ўртасида ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришга хизмат қилишни шак-шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонун ижодкорлиги соҳасида ҳуқуқий эксперимент ўтказишга оид фармойишнинг юзасидан Қашқадарёда ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ингилишда алоҳида таъкидланганидек, бу миллий қонунчиликнинг янги, ноёб тажриба бўлиб, давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жамият ҳаётини янада демократлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

— Мамлакатимизда чуқурлашиб бораётган ислохотлар ҳуқуқий соҳада ҳам янгича ёндашувларни таъқоз этмоқда, — деди қаршилик тадбиркор Қундуз Каромова. — Очиғи, айрим электорат вакиллари давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан

ахборот олиш, шунингдек, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасида кўзда тутилган «электрон мурожаат» усулидан фойдаланиш борасида етарли тажриба ва кўникмага эга эмаслар. Ҳуқуқий эксперимент жараёнида партия электорати, тадбиркор ва фермерларнинг фаол иштироки таъминланиб, уларнинг амалий тақлифлари инобатта олинаётганлиги шу маънода ҳам жуда муҳимдир. Зеро, қонунчиликнинг янги таъминланиб, уларнинг амалий тақлифлари инобатта олинаётганлиги шу маънода ҳам жуда муҳимдир. Зеро, қонунчиликнинг янги таъминланиб, уларнинг амалий тақлифлари инобатта олинаётганлиги шу маънода ҳам жуда муҳимдир. Зеро, қонунчиликнинг янги таъминланиб, уларнинг амалий тақлифлари инобатта олинаётганлиги шу маънода ҳам жуда муҳимдир.

Қизғин савол-жавоб, баҳс-мунозаралар асосида ўтган амалий мулоқот давомида билдирилган тақлиф-мулоҳазалар юзасидан О'zLiDePнинг тегишли тавсиялари қабул қилинди.

▼  
**Бу миллий қонунчилигимизда янги, ноёб тажриба бўлиб, давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жамият ҳаётини янада демократлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.**

қон тартибиде турган долзарб ҳаётини масалаларни маҳаллий кенгашлардан тортиб, Олий Мажлис палаталари муҳокамасигача олиб чиқиш имкониятини яратиш билан ҳам эътиборни тортади. Ёнубарин, ҳуқуқий эксперимент сўз ва ахборот эркинлиги, давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари фаолиятининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, янги ҳуқуқий ҳужжатларни кенг жамоатчилик сивовидан ўтказишда халқ килувчи воситага айланиб бораётганлиги алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Қизғин савол-жавоб, баҳс-мунозаралар асосида ўтган амалий мулоқот давомида билдирилган тақлиф-мулоҳазалар юзасидан О'zLiDePнинг тегишли тавсиялари қабул қилинди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING 21 ЙИППИГИГА



## Конституция ва ёшлар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

**Шухрат РАХИМОВ,**  
«XXI asr»

Давра суҳбатда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Комилов сўзга чиқиб, Конституция ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларни демократлаштириш, жамият ва давлатни модернизация қилиш борасидаги тарихий ўзгаришлар, хусусан, парламент тизими ва қўшартиявийлик асосларини мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишида мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтаётганига эътибор қаратди.

Конституцияда «бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллари-нинг тенглигини ва ҳуқуқий жиҳатдан бабаравар муҳофаза этилишини кафолатлайди», дея белгилаб қўйилгани ҳам бежиз эмас.

«Ёшлар қаноти» фаолиятининг фикрича, мазкур қондалар мулкчиликнинг турли шакллари мавжуд бўлиши ва мулкдорлик ҳуқуқининг кафолатлангани мамлакатимизда қўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, жамиятимизда ўрта синф — мулкдорлар қатламнинг майдонга чиқишига ҳам ҳуқуқий асос бўлди.

— Конституция ёшларга оид давлат сиёсатининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш ва унинг самардорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга, — деди Тошкент иқтисодиёт университети талабаси Равшан Мухаммадалимов. — Баркамол авлодни тарбиялаш, давлат ва жамият бошқарувида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, таълим тизимини ислох

қилиш, ёшлар ҳаракати ва ташкилотларини қўллаб-қувватлаш йўналишларида узокни қўллаб олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг муваффақияти ҳам Асосий қонунимизнинг миллий ва умуминсоний кадрятларга таяниши билан изоҳланади.

— Бош қомусимизда белгиланган тамойиллар туфайли ҳам биз ўз имконият ва салоҳиятимиздан самарали фойдаланаямиз. «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Парламентда менинг ўрним» каби партиявий лойиҳалар ҳам ёшлар учун яратилган шaroитлар туфайлидир, — деди халқ депутати Тошкент шаҳар кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Музаффар Абдуллаев. — Йилдан йилга иштирокчилар сони ҳам кўпайиб бораётган. Жумладан, 2012 йили «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида 150 нафар йигит-қиз иштирок этган бўлса, бу йил улар сони 200 нафардан ошди. Икки кунлик ўқувлар давомида ёшларга бизнес-режа тузиш, кредит олиш ва уни расмийлаштириш тартиби ва солиқ имтиёзлари бўйича малакали мутахассислар томонидан маълумотлар берилди. Энг муҳими, лойиҳа якунида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларини қўлга киритган 20 нафар битирувчининг 10 нафари жами 337 миллион сўм миқдоридеги сармоя билан ўз бизнесини йўлга қўйди. Яна уч нафар иштирокчи ўз маблагини ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Буларнинг барчаси, энг аввало, Конституцияимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинлари таъминланишига қатъий эътибор қаратилгани самарасидир, албатта.

Тадбир давомида Асосий қонунимизда муҳланган демократик тамойиллар ва умуминсоний кадрятларнинг ҳаётимизга чуқурроқ кириб бориши учун таълим муассасалари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ижтимоий ҳамкорлигини янада кучайтириш, ёшлар орасида конституциявий ёшларни кенг тарғиб қилиш юзасидан бир қатор амалий тақлифлар ҳам билдирилди.

## БИР ҲОВУЧ ДУР

**Бойлик билан, балки, юз йил яшарсан, Илму ҳикмат билан мингдан ошарсан.**



**Омонат — бировнинг жонидек гапдир, Хиёнат қилмасанг, сенга шарафдир.**

## Хоразмда энг муносиблар сайланмоқда

Вилоятда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори изчил амалга оширилмоқда

**Янгибой КҮЧҚОРОВ,**  
«XXI asr»

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўламли бўлган кенг қўламли тушунтириш, юқори даражадаги тарғибот, юксак савиядаги ташкилотчилик ишлари амалга оширилгани, вилоят, шаҳар ва туманлар миқёсида мавзуга оид турли учрашув, давра суҳбатлари ўтказилгани айни кунда кутилган натижаларга асос бўляпти. Энг асосийси эса юрдошларимиз фаоллиги сайлов мавсумининг бош мезонига, таъбир жоиз бўлса, халқ килувчи омилга айланади.

— Сайлов вилоятимизнинг 10 та шаҳарча, 98 та кишлоқ, 487 маҳалла, жами 595 та ўзини ўзи бошқариш органла-

рида ўтказилгани, — дейди халқ депутатлари вилоят кенгашининг Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўламли бўлган кенг қўламли тушунтириш, юқори даражадаги тарғибот, юксак савиядаги ташкилотчилик ишлари амалга оширилгани, вилоят, шаҳар ва туманлар миқёсида мавзуга оид турли учрашув, давра суҳбатлари ўтказилгани айни кунда кутилган натижаларга асос бўляпти. Энг асосийси эса юрдошларимиз фаоллиги сайлов мавсумининг бош мезонига, таъбир жоиз бўлса, халқ килувчи омилга айланади.

Хонқа туманида бўлганимизда сайлов жараёни билан бирга худудда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижаларига ҳам гувоҳ бўлдик. Барча кишлоқ ва маҳаллалар аҳолиси олтин кузнинг жорий вазифаларини уюшқоқлик билан уйдаламоқдалар. Кўчалар, гузарлар, боғ ва хиёболарда, меҳнат жамоаларида ободонлаштириш ишлари авж палласида. Айниқса, намунавий лойиҳалар

асосида бунёд этилган янги мазеелар узукка кўз қўйгандек ярашиб турибди.

— Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови худудимиздаги 1 та шаҳарча, 10 та кишлоқ, 42 маҳаллада ўтказилиб, жами 53 нафар раис ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини кўзда тутилган, — дейди сайловга қўламли бўлиб, фуқароларнинг сайловда конституциявий ҳуқуқини тўлалигича амалга ошириш учун ҳамма шарт-шaroитлар яратиб берилган. Дастлабки натижалар фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига жиддий синовлардан ўтган, тажрибали, хар жиҳатдан муносиб кишиларга овоз берилаётганини кўрсатмоқда.

Хива туманининг Янгиобод шаҳарчасидаги «Гулiston» маҳалла фуқаролар йиғинида 7511 нафар аҳоли яшайди. Бу маҳалла «Намунали фуқаро-

ларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» таълими ёлиби экинчи алоҳида таъкидлаш жоиз. Маҳаллада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касоаччилик, хунарманчилик кенг миқёсда ривожланмоқда. Биргина илор ишбилармон Одибек Оллоёровнинг ўзи маҳаллада аҳоли эҳтиёжи учун керак бўлган ўндаш ортик махсулот турини ишлаб чиқармоқда. Маҳаллада қандолат шеҳи, тегирином, шoли оқлаш шoхoбoчoси, ўтгиздан ортик замонавий сервис нукталари бор. Курилиш ва сервис коллежиде ёшлар замонавий кoбo сирларини ўрганимоқдалар. Умумтаълим муассасалари, мактабгача тарбия масканлари, санъат ва спорт даргоҳлари иши ҳам замoн талаблари даражасида ташкил этилган. Ахборот-ресурс марказиде компьютер технологиясидан унумли фойдаланилаётган.

— 1993 йилдан бунён мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раис лавозимиде ишлаб келяпман, — дейди ана шу фахрли вазифага қайта сайланган тажрибали ташкилот-

чи, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳибни С.Отажонов. — Йилгирма бир йилдан бунён шу маҳалланинг обрўсига обрў, нуфузига нуфуз қўлишига ҳаракат қилиман. Вилоятимизда, шу жумладан, Урганч ва Хива шаҳарларида бажарилаётган бекиёс ишларга қараб, қўнғил қўтарилади. Илгари бундай ўзгаришлар ҳақида орзу қилишнинг ўзи ҳам хомхаёл эди. Мухтарам Президентимиз хар гал маҳалла — мамлакатнинг таянчи, маҳалла — менинг таянчим, маҳалла тиш бўлса — мамлакат тиш, маҳалла обод бўлса — мамлакат обод, деб таъкидлайдилар. Собик тузум шарoитиде биз мамлакат менига нима берар экан, деган ақида билан яшар эдик. Энди эса мени мамлакатта нима бердим, унинг фаровонлигига қандай улш қўшдим, деган қараш билан яшайман. Шунча йиллик тажрибамдан бир муҳим хулосага келдим: ҳамжиҳатлик бўлган жойда барака, оёшингалик, тўқинлик, бахту саодат барқ уради. Ҳозирги сайлов бу хулосани тўлалигича тасдиқламоқда.



**Мустахкам фуқаролик**  
позициясига эга бўлган, зиммасидаги масъулиятни чуқур англаган кишиларга ишонч билдирилади.



**Ташаббускор**  
сафдошларни сайлаш бугунги долзарб вазифалардан биридир.



**480 БПТ**  
етакчисининг илгор тажрибалари атрофлича таҳлил этилди.

КУЧЛИ ҚҲҲИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

# БОШДАНБИЧ ПАРТИЯ ташкилотларида

47 (523)-СОН, 2013 ЙИЛ 21 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

## Депутат ва БПТ ҳамкорлиги

партиявий фаолиятни жонлантириш, сайловчи ва электорат вакиллари ишончини оқлашда энг муҳим омил бўлмоқда



**Сайфулла ИКРОМОВ,**  
«XXI asr»

Халқ депутатлари Фузур туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси «Шўртангаз-кимё» мажмуаси директори ўринбосари Фахриддин Қувватовнинг таъкидлашича, жойларда партия илгари сураётган ғоя ва дастурий мақсадларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилаётган фаоллар ислохотларни жадаллаштириш, O'zLiDeP электорати саналган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини ривожлантиришда кўпроқ депутатлар қўмағига таянмоқдалар. Бу эса сайловчи ишончини қозонган халқ ноиблари зиммасига жуда катта масъулият юқлайди.

Халқ депутатлари Қашқадарёда Ф.Қувватовга ўхшаган ташаббускор депутатлар кўпчилигини ташкил этади. Фузурлик партия аъзоларининг маълум қилишларича, депутат ташаббуси билан ўтган даврда худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ижроси юзасидан тегишли идораларга 11 та депутатлик сўрови юборилган. Сайловчилардан тушган 15 та ариза ҳам ижобий ҳал этилган.

— Ариқошган, Янги қурилиш, Тошгузар қишлоқларида 3 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди Тошгузар фуқаролик йигини раиси Жума Турсунов. — Ўтган давр мобайнида депутат ўн мартаба сайловчилар билан учрашди. Очқ муро-

котлар давомида сайловчи ҳамда электорат вакиллари-ни ўйлантираётган айрим муаммолар маҳаллий ҳокимлик, тегишли идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ижобий ҳал этилди.

Маълумки, Фузурда чорвачилик билан шуғулланиб, яхшигина даромад олиш учун

мустахкам фуқаролик позициясига эга бўлган, зиммасидаги масъулиятни чуқур англаган кишиларга кўпроқ ишонч билдиради. Айни пайтда депутатлар фаолиятида қандай натижаларга эришилмасин, бу яратиб берилган шароитлар ва ваколатлар билан боғлиқ. Айниқса,

мажмуасидаги қўйи бўғин фаолиятини изчил кучайтириб борамиз.

Мажмуада иш олиб бораётган бошланғич ташкилот раиси Шухрат Уватов ҳам қўйи бўғин аъзолари зиммасидаги жавобгарлик алоҳида эканини қайд этди.

— 1415 нафар партия

### O'ZLIDEP уставидан

**O'ZLIDEP ҚОНУН ДОИРАСИДА ПАРТИЯ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ МОҲИЯТИНИ АҲОЛИ ЭЪТИБОРИГА САМАРАЛИ ТАРЗДА ЕТКАЗИШ, ЖОЙЛАРДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИ МУНТАЗАМ ЎРГАНИБ БОРИШ, УЛАРНИ ПАРТИЯВИЙ ВОСИТАЛАР БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ, ШУ ЖУМЛАДАН, МИНТАҚАЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФОЙДАЛАНИЛМАЁТГАН ЗАХИРА ВА ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАРНИ ИЗЛАБ ТОПИШ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДАСТУРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРАЛАРИНИ КЎРАДИ.**

жуда қулай шароитлар мавжуд. Шунинг учун ҳам Фахриддин Қувватов сингари фаол депутатлар деҳқон хўжаликларига чорва моллари сотиб олиш, лалми майдонларда турли экинлар етиштириш учун банклардан кредит олишда аҳолига амалий ёрдам бераётганлар. Касб-хунар коллежаларини битирган ёшлар эса тумандаги йиғини раиси Жума Турсунов. — Ишга жойлаштирилмоқда.

— Тўғри, Фузур туманида депутатлар ва БПТ етакчилари билан ҳамкорликда муайян натижаларга эришилмоқда, — дейди Ф.Қувватов. — Аммо бу мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш, дейинга асос бўлмайди. Менимча, депутат ҳам, бошланғич партия ташкилоти етакчиси ҳам энг аввало партиявий ишларда ўзини кўрсатиши керак. Маълумки, юрдошларимиз

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонунида белгилаб берилган ваколатлар депутатлар фаолиятида бутунлай янги босқични бошлаб берди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши депутатларнинг назорат қилиш самарадорлигини ошириш билан бир қаторда уларнинг давлат бошқарувида фаол иштирок этишлари учун кенг имкониятлар яратди.

Сиёсий партия аъзоси қаерда ва қандай вазифада ишласин, энг аввало, бошланғич партия ташкилотига таянади. Ушбу тузилмага суяниб иш олиб боради. Ана шундан келиб чиққан ҳолда «Шўртангазкимё»

аъзоси бўлган мажмуамизнинг ҳар бир цехида ўтказилаётган турли тадбирлар, очқ муроқот ва учрашувларда асосий эътибор юртимиз раънақи, элимиз фаровонлиги йўлидаги ишларни сарҳисоб қилиш, «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасидаги тадбирлар қандай натижалар бераётганини таҳлил этиш ва бу жараёнда фаол қатнашиш масалаларига қаратилмоқда, — дейди Ш.Уватов. — Фузур туманидаги касб-хунар коллежалари ва маҳаллаларда ўтказилаётган тадбирларда кўпроқ баъдлик масалалари таҳлил этилаётган бўлса, қишлоқларда лалмикор майдонларда узум, полиз экинлари ва беда етиштириш, паррандачилик билан шуғулланаётган оилавий тадбиркорларга кредитлар ажратилиши билан боғлиқ ишларни кўриб чиқаямиз.

## МАРКАЗ АСОСИЙ ЭЪТИБОРНИ ҚҲҲИ БЎҒИНГА ҚАРАТМОҚДА

2013 йилнинг ўтган 9 ойида O'zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши хузуридаги Сиёсий таълим маркази беш юз нафардан зиёд партия аъзолари, БПТ етакчилари, маҳаллий кенгаш депутатлари учун долзарб мавзуларда турли ўқувлар ташкил этди.

Марказ раҳбари Дилноза Дарвешованинг маълум қилишича, ўқув-семинар ҳамда давра суҳбатлари шаклида ташкил этилган ўқувларда асосий эътибор «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган вазифалар, амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятига қаратилган. Шунингдек, ўқувлар жараёнида намунавий қўйи бўғин раислари, яъни 480 БПТ етакчисининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, иш юритиш усул ҳамда қўйиқималарини шакллантириш, сессиялар кун тартибига масала киритиш йўл-йўриқлари борасидаги илгор тажрибалар таҳлил этилди.

Зиёдулла МҲМИНОВ.

## ИНТИЛИШ ВА ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ



Нурота туманидаги «Ал Фулом Нурота» хусусий корхонасида партия бошланғич ташкилоти иш бошлади. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Аслон Исмолов сўзга чиқиб, истиқлол туфайли тадбиркорлик борасида қўлга киритилган натижалар Нуротанинг ижтимоий-иқтисодий

ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. — Кенг қўламли ислохотлар жараёнида либерал-демократик ғояларни илгари сураётган O'zLiDePнинг туманимизда ҳам нуфузи ортиб бормоқда, — деди депутат. — Бу, энг аввало, амалий ишлар, хусусий мулк дахисизлиги, мулкдорлар сиёсий вакилларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган саёй-ҳаракатлар натижасидандир. Тадбирда O'zLiDeP Нурота туман кенгаши раисининг ўринбосари Бегзод Сиддиқов ҳам сўзга чиқиб, жорий йилда қўйи бўғинлар тўрттага, партия аъзолари сони эса 31 нафарга кўпайгани, айни пайтда қўйи бўғинлар ишини янада яхшилаш, БПТ етакчилигига ташаббускор сафдошларни сайлаш долзарб вазифалардан эканини таъкидлади. Шу ўринда йиғилишда мрамар кесиш, унга сайқал бериш ва бошқа қурилишбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада асосан ёшлар ишлаётганини инобатга олиб, қўйи бўғиннинг ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини самарали ташкил этишга ишонч билдирилганини қайд этиш лозим.

Мансур АСЛОНОВ.

### ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

## «ЖАМИЯТ ВА МЕН-2013»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамоат фонди Олий Мажлис хузуридаги Нодавлат ноижорат ташкилотлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Журналистлар ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ҳамда фотожурналистлари учун «Жамият ва мен-2013» танлови ўтказилишини эълон қилади. Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, бу борадаги илгор ташаббусларни бирлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти, тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросига оид ижодий ишлар қабул қилинади.

#### ТАНЛОВ ЙЎНАЛИШЛАРИ

- Танлов қуйидаги 10 та номинация бўйича ўтказилади:
  - «Юсак маънавият — жамият пойдевори» мавзусидаги энг яхши материал;
  - «Таълим тизими ислохотлари журналист нигоҳида»;
  - «Соғлом ёшлар — келажак пойдевори» мавзусидаги энг яхши материал;
  - «Фермерлик: имконият ва истиқболлар» мавзусидаги энг яхши материал;
  - «ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти» тўғрисидаги энг яхши материал;
  - «Соғлом она — соғлом бола» мавзусидаги энг яхши материал;
  - энг яхши журналист текшируви;
  - интернетдаги энг яхши мақола;
  - энг яхши фоторепортаж;
  - ил дебюти (талаба-журналистлар учун).

#### ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларда 2013 йилнинг 1 январидан 1 декабрга қадар чоп этилган бўлиши шарт. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) илова қилинади. Танловга материаллар 2013 йил 10 декабрга қадар қабул қилинади. Танлов ғолиблари 2013 йил якунида ташкилотчилар томонидан ўтказилаётган нуфузли тадбирда эълон қилиниб, муносиб тақдирланади.

#### ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор идора ва муассасалар вакиллари билан иборат нуфузли ҳайат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади. Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади. Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

#### ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА МУКОФОТЛАР

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом, компьютер жамланмаси, планшет, қўл телефони ва шу каби қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар ва улар билан боғлиқ ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «ЖАМИЯТ ВА МЕН-2013» танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамоат фондига жўнатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 1-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: info@mmf.uz, fonduz@umail.uz. Ташкилий қўмита.



**XXI ASR**  
ижтимоий-сиёсий газетасига  
**ОБУНА** бўлинг!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

Аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида жорий йилда банк томонидан қарийб 50,9 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Тўққиз ой мобайнида республика бўйича 1371 та оилага жами 80,1 млрд. сўм миқдорда ипотека кредити берилди.

## ҚАРОР ВА ИЖРО



## Qishloq Qurilish Bank Тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори

«Қишлоқ қурилиш банк» очик акциядорлик-тижорат банки мижозлар билан мустақкам ва ишончли ҳамкорлик ўрнатиш баробарида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда

Кейинги йилларда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, жойларда қулай бизнес муҳити яратишга доир Президентимиз фармон ва қарорлари туфайли ҳам хусусий сектор иқтисодиётнинг таянч бўлишига айланди. Зеро дунё таърибасидан маълумки, мазкур соҳа ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдирish, аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш ва турмуш фаровонлигини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

«Қишлоқ қурилиш банк» жамоаси мамлакатимизда давлат сис-таси даражасига кўтарилган ушбу масалага маъсулият билан ёндашиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ўз вақтида қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда. Асосий эътибор, энг аввало, иш бошловчи тадбиркорлар учун бошланғич сармояни шакллантиришга қаратилган. Ажратилаётган кредитлар салмони тобора ортиб бораётганлиги ҳам шундан далолат беради. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 81,3 млрд. сўмга ортиб, 2013 йил 1 ноябрь ҳолатига уларнинг қолдиги 295,6 млрд. сўмни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада асосий дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни кунда шаҳар ва қишлоқларимизда тадбиркорлик сир-ас-рорларини пухта эгаллаган хотин-қизлар сафи тобора кенгаймоқда. Бундай шижоатли, ишбилармон аёллар «Қишлоқ қурилиш банк»нинг молиявий ёрдамидан ҳамisha баҳраманд. Умуман, тадбиркор хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг

мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ишти-рокинни янада кенгайтириш мақ-садида жорий йилнинг ўзида 860 та хўжалик субъектига 36,9 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бу эса жойларда қўшимча иш ўринлари яратиш, турмуш фаровонлигини оширишда жуда қўл келаётган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, ички истеъмол бозорини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирish, асосан қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи, ихчам корхоналарни барпо этиш, шу асосда янги иш жойлари ташкил қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида жорий йилда банк томонидан қарийб 50,9 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Шу билан бир қаторда 2013 йилнинг ўтган даврида давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида мижозларнинг рақобатбардор, юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтириш рағбатлантириш мақсадида банк томонидан ажратилган кредитлар ҳажми 68,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Бир сўз билан айтганда, «Қишлоқ қурилиш банк» очик акциядорлик-тижорат банки иқтисодий ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчиларидан бири сифатида хизмат сифати ва маданий-иқтисодий ривожлантириш билан маблағатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга устувор аҳамият қаратмоқда.

Банк ахборот хизмати.

## БИР ҲОВУЧ ДУР

Анушервон шундай деган экан:  
— Бекорчилик кишини беҳуда хаёлларга олиб боради, беҳуда хаёллар эса кишининг осойишталигини бузади.



Бузургмехрдан сўрашибди:  
— Одамлар назарга илмайдиган бебаҳо фазилат нима?  
— Камтарлик, — деб жавоб берибди у.

# Молиявий барқарорлик учун «Барқарор» рейтинг

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар барча соҳа ва тизимларда бўлганидек, иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланган молия-банк тизимида ҳам юксак самаралар бермоқда

Ақбар МУЗАФФАРОВ,  
«XXI asr»

Хусусан, пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш орқали жойларда замон талаблари даражасидаги банк муассасалари шаклланиб, улар қўмағида халқ фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган истиқболли лойиҳалар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган.

Молия бозорини ўз ўрни ва мақсада эга бўлган акциядорлик-тижорат «Ипотека банк»и ҳам ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчиларидан бири сифатида ўзининг 37 та филиали, 113 та минн-банки, 492 та жамғарма ва коммунал кассаси орқали аҳоли ҳамда 71,8 мингта хўжалик субъектига намунали хизмат кўрсатаётган.

Маълумки, айни пайтда нафақат шаҳарлар, балки оилас ва чекка қишлоқларда ҳам кўркам турар-жойлар барпо этиш, савдо ҳамда маиший хизмат тармоқларини кенгайтириш, ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Турмуш фаровонлигини ошириш, шубҳасиз, молия муассасалари фаолияти билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Ўтган давр мобайнида «Ипотека банк» томонидан Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида аҳоли, жумладан, ёш оилаларга мўлжалланган 20 та кўп қаватли уй-жой қурилишини молиялаштириш учун 61,7 млрд. сўм кредит ажратилди. Хозиргача улардан ўнгаси фойдаланишга тоширилди. 14 та кўп қаватли турар-жой биносига эса қурилиш-бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастуридан келиб чиқиб, банкда хизмат сифати ва маданий янада оширилётган. Жумладан, тўққиз ой мобайнида республика бўйича 1371 та оилага жами 80,1 млрд. сўм миқдорда ипотека кредити ажратилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг айни даврига нисбатан 4,3 баробар кўп. Колаверса «Ипотека банк» маблағлари эвазига қурилган кўп қаватли уйларида яшовчи 294 та хонадон эгаларига (12 йилга 1 йил иптеъзли муддат билан) 20,3 млрд. сўм миқдорда кредит берилганлиги ҳам эътиборга молиқдир.

Таъкидлаш жоизки, банк ёрдамида яна 310 та оила ўз молиявий аҳолини яхшилаш имкониятига эга бўлди. Яъни Германиянинг «КФВ» банкидан жалб этилган 5 млн. евро миқдордаги кредит линияси ҳисобидан уларга 12,5 млрд. сўм миқдорда сармоя ажратилди.

Катта ҳаётга қадам қўйган ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор даромад манбага эга бўлишларини таъминлаш, уй-жой ва маданий-маиший шароитларини яхшилаш юзасидан ҳам изчил ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, «Обод турмуш йили» Давлат дастури асосида «Ипотека банк» томонидан ўтган давр мобайнида 375 та ёш оилага жами 26 млрд. сўмлик ипотека кредити, 1060 та ёш оилага 8,4 млрд. сўм истеъмол кредити, шунингдек, бизнес фаолиятини йўлга қўйиш, муқобил даромад манбага эга бўлиш учун 202 та ёш оилага 6,5 млрд. сўм миқдорда микрокредит ажратилди. Бу, шубҳасиз, жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётган. Мисол учун, жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларига қарийб 421,2 млрд. сўм кредит ва 97,9 млрд. сўм миқдорда микрокредит ажратилгани натижасида 2334 та янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилнинг учинчи чорагида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 60,9 млрд., ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш учун эса салкам 102,4 млрд., чекка ҳудудларда сервис соҳасини ривожлантириш учун кичик бизнес вакилларига 64,7 млрд. сўмлик кредитлар берилди. Шунингдек, тад-



биркор аёлларнинг бизнес лойиҳаларига 45,2 млрд. сўм, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш учун эса 3,4 млрд., жами 273,2 млрд. сўмдан зиёд кре-

дит ва микрокредит ажратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик қарточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

2004 йил 24 сентябрдаги қарори ижросини таъминлаш банк жамоаси учун ҳам асосий вазифалардан бирига айланган. Хозирда муомалага чиқарилган пластик қарточкалар сони қарийб 975 мингтага етди. Мижозларга савдо, умумий овқатланиш шохобчалари, дорихоналар, ихтисослаштирилган касса ва банк жамғарма кассаларида ўрнатилган 14340 та терминал орқали хизмат кўрсатилмоқда.

«Ипотека банк» чакана хизматлар бозорини ҳам ўз ўрнига эгадир. Хусусан, янги-янги омонат турлари аҳоли учун мақбул шартларда таклиф этилаётгани натижасида жорий йилнинг тўққиз ойи давомида қабул қилинган омонатлар миқдори йил бошидагига нисбатан 46,8 миллиард сўмга ортиб, 303,1 миллиард сўмни ташкил қилди.

Банкнинг изчил ва барқарор фаолияти дунёдаги нуфузли халқаро рейтинг агентликларини эътиборидан ҳам четда қолаётгани йўқ. 2008 йилдан бери мазкур молиявий муассаса халқаро рейтинг ташкилотларининг «Барқарор» рейтингига лойиқ деб топилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Шубҳасиз, бундай юксак эътироф корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, капиталлашув даражасини ошириш, ресурслар базасини мустаҳкамлаш, активлар сифатини яхшилаш, хизматлар қўламини янада кенгайтириш йўлида олиб борилётган изланишлар учун берилган муносиб баҳоидир.

Эълон

**ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!**

## «АСАКА» БАНК ОАЖ ЖАМОАСИ

Сизларни яқинлашиб келаётган Конституция куни билан табриклайди ва миллий валютадаги муддатли «КОНСТИТУЦИЯ-2013» янги омонат турини таклиф этади.

**Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар ҳар ойда ёки омонат муддати туганидан сўнг берилади. Мазкур омонат турини банкнинг барча филиалларида очиб мумкин.**

Мурожаат учун «Асака» банк ОАЖ филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар номи         | Телефон рақамлари | Филиаллар номи            | Телефон рақамлари |
|------------------------|-------------------|---------------------------|-------------------|
| Тошкент шаҳар филиали  | 371 120-83-13     | Наманган вилоят филиали   | 369 226-94-75     |
| Автотранспорт филиали  | 371 120-39-95     | Навоий вилоят филиали     | 436 223-54-32     |
| Шайхонтоҳур филиали    | 371 140-39-36     | Зарафшон филиали          | 436 573-18-78     |
| Юнусобод филиали       | 371 221-80-67     | Бухоро вилоят филиали     | 365 223-71-94     |
| Сирғали филиали        | 371 258-67-49     | Бухоро шаҳар филиали      | 365 770-11-27     |
| Тошкент вилоят филиали | 371 120-84-13     | Самарқанд вилоят филиали  | 366 231-08-86     |
| Анджон вилоят филиали  | 374 224-40-96     | Афросиёб филиали          | 366 221-77-56     |
| Асака филиали          | 374 233-13-69     | Қашқадарё вилоят филиали  | 375 221-12-93     |
| Фарҳод филиали         | 374 226-97-53     | Сурхондарё вилоят филиали | 376 770-82-12     |
| Фарғона вилоят филиали | 373 224-70-83     | Қорақалпоғистон филиали   | 361 770-60-59     |
| Марғилон филиали       | 373 237-12-37     | Хоразм вилоят филиали     | 362 226-97-78     |
| Олтиариқ филиали       | 373 432-10-11     | Сирдарё вилоят филиали    | 367 225-44-03     |
| Кўқон филиали          | 373 552-61-04     | Жиззах вилоят филиали     | 372 226-43-11     |

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!


**«АСАКА» БАНК — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.**

Хизматлар лицензияланган.

## Гиёҳвандлик

Ўзи билан венерик касалликлар, гепатит, ВИЧ инфекцияси ва ОИТС каби оғир, бедаво хасталикларни олиб келаётир.

### **БМТ МУТАХАССИСЛАРИ 7 ЁШДАН 64 ЁШГАЧА БЎЛГАН 200 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ, ЯЪНИ ЕР ЮЗИ АҲОЛИСИНING ҚАРИЙБ 3 ФОИЗИ ГИЁҲВАНДЛИК МОДДАЛАРИНИ МУНТАЗАМ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛАЁТГАНИ, ЭНГ АЯНЧЛИСИ, УЛАРИНИГ 70 ФОИЗИ ЁШЛАР ЭКАНИНИ ҚАЙД ЭТМОҚДАЛАР**



Гарчи бутун дунёда ана шу иллатга қарши тишимсиз кураш олиб борилаётган бўлса-да, кейинги ўн йилда «қора ажал» донинга тушганлар сони ортса ортки, камаймади. Айниқса, ўсмирларнинг ана шу бало қўлига айланаётганини ниҳоятда ачинарли ҳолатдир. Тахлилчилар ҳатто 5-7 ёшли гиёҳвандлар ҳам учраётганига эътибор қаратмоқдалар. Улар бундай иллатга ота-оналарининг шу қуйга тушганлари сабаб йўлиқмоқдалар. Энг ёмони, ушбу моддани истеъмол қилаётган киши узоғи билан 5-7 йил умр кўриши исботланган. Кейинги йилларда наркотиклар туфайли вафот этиш ҳоллари катталар орасида 10, болалар ва ўсмирлар орасида эса 42 маротаба ошган.

хот ашёнинг 48 фоизи айнан шу ерда етиштирилмоқда. 2013 йилда Афғонистонда кўкнори экилган майдонлар 200 минг гектардан ошиб, афюн етиштириш миқдори ўтган йилга нисбатан уч маротаба кўпайган. Бу йил мамлакатда рекорд миқдорда — жами 5,5 минг тоннадан зиёд қорадори етиштирилди. Унинг тахминий қиймати 950 млн. долларга тенг экани айтилган. Афғонистон аҳолисининг асосий қисми айнан ана шу бизнес орқали кўп кўриши кўпчи моддани истеъмол қилаётган киши узоғи билан 5-7 йил умр кўриши исботланган. Кейинги йилларда наркотиклар туфайли вафот этиш ҳоллари катталар орасида 10, болалар ва ўсмирлар орасида эса 42 маротаба ошган.

Тахлилчилар Афғонистон ва Покистонда 1 кг. героин нархи 6,5 минг АҚШ доллари атрофида бўлса, Шимолий Америкага етиб келган маҳсулот 100 минг долларга баҳолашнинг қайд этишяпти. Европада эса бу кўрсаткич 235 минг долларга етган. Боливия, Колумбия, Перуда 1 килограмми 23 минг АҚШ долларга сотиладиган кокаин АҚШ ва Европа мамлакатларига етказиб берилганидан кейин 200 минг долларга сотилмоқда. Шу тариқа, қорадори нархи истеъмол жойига етиб келгунча, ўнлаб маротабага ошапти. Талаб тақлифни келтириб чиқаради, деганларидек, мутахассисларнинг ҳисобига

Шу ўринда гиёҳвандлик ва нарқобизнес счими топилиши кийин ва ижтимоий жиҳатдан ўта хавфли муаммога айланганини ҳам таъкидлаш лозим. У ўзи билан венерик касалликлар, гепатит, ВИЧ инфекцияси ва ОИТС каби оғир, бедаво хасталикларни олиб келаётир. Героинни шприц орқали истеъмол қилувчилар яшайдиган давлатларда ВИЧ инфекциясига чалинганлар сони йилдан-йилга ортапти.

Шарқий ва Жануби-шарқий Осиё аҳолиси орасида ишлатилган шприцлардан фойдаланиш

# «ҚОРА АЖАЛ»

орқали ВИЧ инфекциясини юктириш тобора чуқур илдиз отмоқда. Масалан, Хитойда ВИЧ касаллигига чалинганларнинг 41 фоизи героин истеъмолчиларидир. Таиландда эса бу кўрсаткич 50, Мьянмада 30 фоизни ташкил этади.

Тахлилчилар гиёҳвандлик моддалари савдоси миқдотлараро уюшган жиноий гуруҳлар ва террористик ташкилотлар билан ҳам ҳамбарчас боғлиқ эканини айтишяпти. Шу йўл билан топилган даромад ҳисобидан экстремистик, террористик харакатлар, ҳарбий зиддиятлар, халқаро жиноятчиликнинг катта қисми молиялантирилади.

БМТ маълумотларига кўра, нарқобизнеснинг дунёдаги йиллик айланмаси 2009 йилда 320 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 600 миллиардга етди. Бу — дунёдаги жами савдо айланмасининг 8 фоизи демакдир. Гиёҳвандлик моддалари савдосидан олинмайдиган даромад бутун жаҳонда сотиладиган тамаки, шароб, пиво, шоколад, кофе ва чойдан тушадиган умумий даромаддан ҳам ошади. Энг хавфли қорадори — героиннинг йиллик айланмаси 57 миллиард АҚШ долларини ташкил этаётгани эса масаланинг ҳаддан зиёд чигалланаётганидан ҳам далолатдир. Кокаин моддасини ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчилик қилаётган Колумбия ҳар йили 32 миллиард долларлик оғу экспорт қилмаётир.

Кўкнор етиштириш бўйича Мьянмадан кейин иккинчи ўринда турувчи Афғонистонда экин майдонларининг катта қисми йўқ қилинганга қарамай,

### **БМТ маълумотларига кўра, нарқобизнеснинг дунёдаги йиллик айланмаси 2009 йилда 320 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 600 миллиардга етди. Бу — дунёдаги жами савдо айланмасининг 8 фоизи демакдир. Гиёҳвандлик моддалари савдосидан олинмайдиган даромад бутун жаҳонда сотиладиган тамаки, шароб, пиво, шоколад, кофе ва чойдан тушадиган умумий даромаддан ҳам ошади.**

кўра, Европанинг ўзида йилга 170 тонна героин сотилмоқда.

Тиббий нуқтани назардан қараганда, гиёҳвандлик инсон продасини ва жисмоний саломатлигини синдирувчи, шахс инқирозига олиб келувчи оғир, ва тез ривожланувчи касалликдир. У нафақат инсоннинг ўз ҳаёти, балки атрофидагилар ҳаётини ҳам хавф остига қўяди. Миллат, ёш, жинс танламайди. Энг ачинарлиси, гиёҳвандликка чалинган бир киши яна 13-15 нафар кишининг шу жирканч одатга ружу қўйишига сабаб бўлмоқда. Аммо...

Жаҳон тиббиёт мутахассислари ана шу ажалдан тоғналларни кеч бўлмасидан даволашнинг ачирмоқдалар. Чунки ушбу иллатни илк босқичларида даволаш имкони бор.

Нарколог-шифокорларнинг таъкидлашича, гиёҳвандликнинг оғир шакллари, масалан, героинга тобеликка ҳеч қандай даво йўқ. Умуман, афюн асосида тайёрланган морфин, дезоморфин, героин ва фармакологик хусу-

сиятлари шуларга яқин бўлган гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилганларни даволаш анча кийин кечини ҳаётда ўз исботини тошган.

Ҳозирги кунда тобора чуқур илдиз отаётган маъмур муаммо қўламини англаган ҳолда, жаҳон ҳамжамяти мавжуд вазиятни ўнглаш, гиёҳвандлик моддалари тарқалишининг олдини олиш, нарқобизнесга қарши курашни учун бир қатор халқаро конвенция, шартнома ва келишувлар қабул қилаётир. Чунки, 1987 йилда БМТ Бош Ассамблеяси 26 июни Халқаро наркотик моддаларни истеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашни куни деб эълон қилган.

Аммо афсуски, ўтган йилларда гиёҳвандликка қарши кураш, нарқобизнесга қарши кураш ва аҳоли орасида ушунг салбий оқибатларини бартараф этиш борасида сезиларли муваффақиятларда эришилмади. Энг кизиги, айрим давлатларда бу борада муайян натижаларга эришилган

бўлса-да, қисқа муддатдан кейин наркотик моддалар савдоси ва у билан боғлиқ жиноятлар янада кўпайган.

Бошқа давлатларда эса наркотик моддаларни ишлаб чиқарувчи ва тарқатувчиларга қарши турли усуллар қўлланилмоқда. Масалан, Австрия, Франция, Швейцарияда маъмур жиноят 20 йилгача қамқоқ жазоси билан жазолашади. Германия ва Данияда 15 йилгача, Швецияда 10 йилгача, Венгрияда 8 йилгача қамқоқ жазоси белгилаган. Буюк Британия, Греция, Австралияда эса бундай жиноят учун умрбод қамқоқ жазоси билан қамқоқ қилиш мумкинлиги белгилаган. Баъзи ислом мамлакатларида эса гиёҳванд моддаларни тарқатиш билан шугулланувчи шахслар ҳатто ўлимга ҳукм қилинади.

Франция, Греция, Австралия, Швейцария каби мамлакатлар конститутсида гиёҳвандлик моддаларини нафақат ишлаб чиқариш ва тарқатиш, балки истеъмол қилиш учун ҳам қамқоқ қўзда тутилган.

Англия ва Голландияда эса гиёҳвандликнинг салбий оқибатларини олдини олиш сиёсати йўлга қўйилган. Унинг асосий асоратлари жиноятчиликнинг ўсиши ва ВИЧ инфекциясининг тарқалишида кузатилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳукумат гиёҳвандларга бир марталик шприцлар тарқатади ва наркотик моддаларини дорихонадан сотиб олиш учун рухсатнома беради. Бундай чоралар ВИЧ

инфекциясининг тарқалишининг олдини олиш ва ўғирликлар содир бўлишини камайитиришга йўналтирилган. Бир қатор кузатувчилар бундай муносабатга қарши чиқиб, Голландияни Европанинг «наркотик маркази» деб аташ бошлади.

Тарқибда БМТнинг собик Бош қотиби Кофи Аннан, инсон ҳуқуқлари бўйича собик бош комиссари Луиза Абрур, Мексика, Колумбия ва Бразилиянинг собик президентлари ва бошқа машҳур сиёсатчилар бўлган Наркосиёсат бўйича глобал комиссиянинг 2011 йилдаги ҳисоботида нарқобизнесга қарши кураш маълумиятга учраётгани айтилди.

Бундай моддаларни ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва истеъмол қилувчиларга нисбатан олиб борилаётган қатъий чораларга қарамай, гиёҳвандлик моддаларига бўлган талаб ва тақлиф камаймаётгани энг оғирлиқ нуқтадир. Бошқача айтганда, гиёҳвандлик моддаларини етказиб берувчи бир маъна ёпилса, унинг ўрнида дарров бошқалари пайдо бўляпти. Чунки давлатлар наркотик моддаларга бўлган талаб ва улардан кўри-лаётган зарарни пасайтиришга йўналтирилган чораларга маблағ сарфлаш ўрнига, гиёҳванд моддалар бозорини қисқартириш, одамларни озоликдан маҳрум этишга жуда катта маблағ ажратмоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда Комиссия наркотик истеъмол қилувчиларни жазолаш ўрнига, уларга тиббий-профилактик ёрдам кўрсатиш, одамларга нарқобозорлар, истеъмолчилар ва гиёҳванд моддалар ҳақидаги ҳақиқатни, барча статистик маълумотларни очик ойдин етказиш кераклиги тўғрисидаги тавсияларни ишлаб чиқди.

Хулласи калом, XXI асрга келиб, гиёҳвандлик бутун инсониятнинг касаллигига айланди. Шу бонс, маъмур иллат илдизига болта уришга бир ёки икки давлатнинг қурби етмайди. Буниш учун бутун дунё ҳамжамяти ўзаро ҳамкорликда курашмоғи даркор.

Гулноза МУХИДДИНОВА тайёрлади.

## ВОҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР, ДАПИЛААР

### «БИР ОИЛАДА — БИР ФАРЗАНД» СИЁСАТИ ЎЗГАРДИ. ЧУНКИ...



Хитойда оилаларга иккинчи фарзанд кўриш ҳуқуқи берилгани хабар қилинмоқда. Бунинг асосий шарты — бўлажак ота-онадан бири ўз

оиласида ягона фарзанд бўлиши керак. Маълумки, Хитойда ўтган асрнинг 70-йилларидан «Бир оилада — бир фарзанд» сиёсати жорий этилган эди. Яқинда эса Хитой компартияси мажлисида тугилишни тартибга солиш сиёсатини ўзгартириш керак, деган қарорга келинди. Бунга гендер мувозанатининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар сабаб қилиб кўрсатиляпти. Чунки кўпчилик оилалар ўғил фарзанд тугилишини истаиди. Аммо бўлажак фарзанднинг қиз экани аниқланса, ундан воз кечиш ҳоллари тобора кўпайиб бораётир. Натижада, шу йилнинг ўзида Хитойда 24 миллионга яқин эркак ўзига турмуш ўртоғи топа олмади. Яна бир муаммо — мамлакатда қариялар сонининг кескин ортаганидир. Аксарият маълумотларда Хитой аҳолисининг кўпайиши секинлашаётгани, 2050 йилга келиб фуқароларнинг чорак қисмини 65 ёшдан ошганлар ташкил этиши қутилмоқда.

### ЮЗ ЭЛЛИККА КИРМАЙ ЎЛМОҚЛИК ЙЎҚДИР



Дунёнинг энг йирик фармацевтик компаниялари қариш жараёнини тўхтатиш ва инсон ҳаётининг ўртача давомийлигини 150 йилгача узайтириш

имконини берувчи дорилар кашф этиш устида ишламоқдалар. Тахминларга кўра, беш йилдан сўнг бир касаллиқни даволаб туриб, яна кўплаб бошқа хасталиқнинг олдини олувчи дорилар сотувга чиқарилади. Мутахассисларнинг фикрича, янги дори воситаларига асос бўлувчи модда ресвератрол бўлиб, у қизил шароб таркибида мавжуд экан. Олимлар кўп йиллардан бери маъмур модданинг ажойиб фазилатларини кашф этишаётир. Ҳозир бу модда инсон генига қандай таъсир этиши устида тадқиқотлар олиб борилмоқда.


### ПРЕЗИДЕНТ ГУБЕРНАТОРЛАРНИ ҲАМ ОЛИБ КЕТДИ



Грузиянинг барча маъмурий ҳудудлари раҳбарлари мамлакатнинг собик президенти Михаил Саакашвилининг сўнги иш кунинда лавозимдан озод этиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилдилар. Уларнинг сўзларига қараганда, президент билан бирга губернаторликдан кетиш учун катта шароф.

Михаил Саакашвилининг матбуот қотиби Манана Манджгаладзе маъмур маълумотни тасдиқлаб, барча аризалар қониқтирилишини маълум қилган. Дарвоқе, матбуот қотибининг ўзи ҳам лавозимдан озод этилди. Грузиянинг янги президенти Георгий Маргвелашвили 17 ноябрь кунини ўтказилган иннаугурация маросимида расман ўз вазифасига қиришганини эълон қилди.

### ИШЛАСАНГ ҲАМ СОЛИҚ ТЎЛАЙСАН, ИШЛАМАСАНГ ҲАМ...



Беларусь парламентида «Ишқамаслар учун солиқ» жорий этилаётгани хабар қилинапти. Унинг миқдори йилга 2,6 миллион беларусь рублига тенг, бу қарийб 280 АҚШ доллари деганидир.

Беларусь Молия вазирлиги бош бошқармаси раҳбари Светлана Кретоваининг таъкидлашича, мамлакатда таълим ва тиббиёт хизмати бепул, шундай экан, ундан фойдаланадиган, аммо ишламайдиган фуқаролар ҳам бюджет шаклланишига ўз ҳиссаларини қўшишлари шарт.

## БИР ҚОВУЧ ДҲР

Гиёҳвандлик — кўп йиллик ўлимдан лаззатланишдир.

Франсуа Мориак.



Наркотик моддалар кичик ҳаётий муаммолардан ҳалос бўлиб, ҳаётнинг ўзини битта катта муаммога айлантириш воситасидир.

Дарий.



**ОЗОД ЮРТНИНГ  
ОБОД ОИЛАСИ**

Пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги «Бошлиқ» маҳалласида истиқомат қилаётган Зоировлар оиласидаги тинчлик ва тотувликка, ҳалол меҳнат туфайли эришилаётган ютуқларга кўпчилигининг ҳаваси келади. Тошкент автомобиль йўллари институтини 1985 йили муваффақиятли тугатган Фахриддин Зоиров Самарқанддаги «22-автосарой» акциядорлик жамияти механиги, бўлим бошлиғи, раҳбар ўринбосари лавозимларида меҳнат қилди. Кейин узоқ вақт Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлади. 2010 йилдан бундан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитасининг аъзоси сифатида фаолият юритяпти. Турмуш ўртоғи Назира опа Тошкент Давлат университетининг Математика факультетини битирган, педагогика соҳасида ишлайди. Фахриддин ака ва Назира опалар уч қиз, бир ўғилни тарбиялаб voyага етказишди. Қизлар тиббиёт, банк соҳаларида хизмат қилишади. Ўғли Отабек «Ўзсаноатқурилиш» банкида бош мутахассис. Уч нафар шириндан-шакар неваралари бор.

Мана, республикамизга совуқ ҳаво оқими ҳам кириб келди. Бу албатта, қишнинг яқинлашиб келаётганидан дарак. Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 21-28 ноябрь кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгаришчан бўлиб,



ёғингарчилик кутилмайд. Баъзи жойларга туман тушади. Шамош шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси 0-5 даража совуқдан 3 даража илққача, кундузи 10-15 даража илққатрофида бўлади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси 2-7 даража совуқдан 3 даража илққача, хордик кунларида 10-15 даража илққача кўтарилади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 8-13 даража илққатрофида бўлиши кутилаяпти. Республикаимизнинг шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида термометр миллилари кечаси 2-7 даража совуқни, кундузи эса 9-14 даражагача илққиклини кўрсатади. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ҳарорат кечаси 2-7 даража совуқдан 3 даража илққача кўтарилади, кундузи 10-15 даража илққ бўлади. Тоғли жойларда 22 ноябрда 7-12 даража совуқ, кундузи 3 даража совуқ ва 2 даража илққ атрофида, 23-25 ноябрь кунлари эса кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илққ бўлади.

Реклама

**LADA БИЗНЕС**

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

**ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.**

**ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.**

**ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.**

**ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.**

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:  
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.  
Тел.: (+99899) 162-99-99, (+99899) 303-90-09.  
(+99899) 177-01-17.

Узнай больше на сайте [www.sardor-avto.uz](http://www.sardor-avto.uz)

**ТЎРТ  
КИШИЛИК МЕТРО**

Буюк Британияда шахар таксиси ва автобуслари ўрнини эгаллайдиган, ташиқ кўришиши метро вагонларини эслатувчи «ULTra PRT» номли янги транспорт тури синовдан ўтказила бошланди. Эътиборлиси, тўрт нафар йўловчига мўлжалланган ушбу вагончалар компьютерлаштирилган тизим орқали, яъни ҳайдовчисиз бошқарилади. Маълумотларга кўра, 2015 йилга қадар Лондон яқинидаги Милтон Кейс шахарчасида синовдан ўтказиладиган, 2017 йилда эса пойтахт жамоат транспорти қаторидан ўрин олиши кутилаётган «ULTra PRT» соатига 40 километр тезликда ҳаракатлана олади. Эътиборлиси, электр мотор ёрдамида ҳаракатланадиган «ультрауловлар» хизматидан фойдаланмоқчи бўлганлар уни уяли телефон орқали қақришлари ҳам мумкин. Йўл ҳақи ҳам у даражада қиммат эмас — бор-йўғи 2 фунт. Шу ўринда «ULTra PRT» туркумига кирувчи транспорт воситаси икки йилдири, Лондоннинг Хитроу аэропорти мижозлари узоғини яқин қилаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Реклама

**ЎЗБЕКИСТОНДА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ЭНГ ЙИРИК КОРХОНА  
«NAVOIYAZOT» ОАЖ  
ҚУЙДАГИ МАХСУЛОТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

**МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР:**

- азот-фосфорли ўғит
- аммоний хлориди
- аммоний сульфати
- калийли ўғит
- техникавий сувли аммиак

**РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ БАРЧА ФЕРМЕРЛАРНИ  
ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!**

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210105, Навоий-5  
Сайт: [www.navoiyazot.uz](http://www.navoiyazot.uz), e-mail: [office@navoiyazot.uz](mailto:office@navoiyazot.uz)  
Факс: (+99879) 223-75-80  
Маркетинг бўлими: (+99879) 229-29-99; e-mail: [market@navoiyazot.uz](mailto:market@navoiyazot.uz)  
Сотув бўлими: (+99879) 229-25-34; e-mail: [sale@navoiyazot.uz](mailto:sale@navoiyazot.uz)

«Ультрауловлар» хизматидан фойдаланмоқчи бўлганлар уни уяли телефон орқали қақришлари ҳам мумкин.

**XXI ASR**

2014 йил учун ОБУНА ААВОНЎЭТМОҚ

О'лиDeP фаолияти, партия турмуши ва партиясинг таъин бўлиши — БПТлар фаолиятдан ахваалар мамлакатимиз ва хориджа рўв бераётган энг сўнгги янгиликлар «XXI ASR» иктомий-сийсий газетаси саҳифалари ы

# «Австралия-2015» йўлланмаси нақд

Осиё кубогининг саралаш баҳслари доирасида ўтказилган сафар ўйинларида Вьетнам (3:0) ва Гонконг (2:0) терма жамоаларини мағлубиятга учратган футболчиларимиз икки йилдан сўнг Австралия мезбонлик қиладиган мусобақа йўлланмасини қўлга киритдилар

Шухрат ХУЖАЕВ,  
«XXI asr»



Дастлаб, яъни 15 ноябрь кунини Ханоидаги «Май Дин» стадионида вьетнамликлар билан беллашган терма жамоамиз асосан таркибига жалб қилинган ёш футболчилар шанги-катъияти эвазига рақибни йирик ҳисобда енғдилар. Сўзимиз исботи сифатида ўйинда киритилган голларга шу кунини терма жамоадаги дебютини нишонлаган «Бухоро» клуби ҳужумчиси Воҳид Шодиев, шунингдек, «Пахтакор» ва «Бунёдкор» жамоаларининг умидли ёшлари — Игорь Сергеев ва Анвар Рашидов муаллифлик қилганини айтиш мумкин.

Вьетнамдаги баҳдан сўнг Миржалол Қосимов мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси Гонконгга йўл олди. Ушбу ўйинда ҳам футболчиларимиз тўлиқ устунликка эришган бўлсалар-да, ҳисоб учрашувининг сўнгги дақиқаларида очилди. Эътиборлиси, бу гол ҳам биринчи гол Воҳид Шодиев голдан киритилди: 84-дақиқада жарима майдонига ёриб кирган Ислам Тўхтажўяев тўпни Шодиевга қолдирди. Воҳид эса 11 метрлик нуқта яқинидан қучли зарба бериб, жамоамизни ҳисобда олдинга олиб чиқди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас Гонконглик посбон ўз дарвозасидан яна битта тўп олиб чиқинга мажбур бўлди. Чан қаногдан жарима майдонига кириб борган Шавкат Саломов тўпни Одил Аҳмедовга узатди. Химоячилар эътиборидан четда қолган «Анжи» химоячиси бу сафар нишон олишда адашмади. Шу тариха, терма жамоамиз нафақат Жануби-шарқий Осиё бўйлаб уюштирилган турнирни омадли якунлаган ҳолда муздадиган аввал «Австралия-2015» мусобақасида иштирок этини ҳуқуқини қўлга киритишга, балки етти йилдан бундан давом этаётган похун аянага чек қўйишининг улдасидан чиқди. Эслагиб ўтамиз, 2006 йилдан бундан Гонконг билан тўрт марта беллашган футболчиларимиз ана шу учрашувларининг барчасида дуранг кайд этаётган эдилар.

Гонконгликлар рақиб ҳужумини бузишни хуш кўради ва бунинг улдасидан чиқади. Шу сабаб, бугунги ўйинда улар дарвозасига гол уриши осон бўлмади, деди Гонконгдаги ўйиндан сўнг М.Қосимов. Нима бўлганда ҳам, мақсадимизга эришганимиздан мамнунман. Йигитлар ўйинидан ҳам қониқни хосил қилдим. Осиё

Кубоғи финал баҳсларининг бошланғишига ҳали анча вақт бор. Ушбу турнирга яхши тайёргарлик кўриб, ўз олдимизга максимал вазифаларни қўйишни режалаштиряпмиз.

Шу ўринда терма жамоамиз учун 2013 йилги мавсум ўз ноғнига етганини, футболчиларимиз навбатдаги расмий ўйинларини 2014 йилнинг 5 мартида БАА терма жамоасига қарши ўтказишларини айтиб ўтиш лозим.

**XXI ASR** ИТМОИЙ-СИВОСИЙ ГАЗЕТА

ТАҲРИРИЯТ: Темур АБДУРАҲМОҶОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ, Озод РАҲАБОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шухрат ХУЖАЕВ, Маркс ЮСУПОВ, Ориф УЛМАСОВ, Янгибой ҚУҶОРОВ.

БЎЛИМЛАР: Қотибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Киёк бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: [axborotXXIasr@yahoo.com](mailto:axborotXXIasr@yahoo.com), [XXI\\_ASR@mail.ru](mailto:XXI_ASR@mail.ru)

© XXI ASRдан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқти назариддан фарқ қилиши мумкин.

\*Ўзбекистон\* НМИУ Босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. БОШ МУАХРАР: Миралон АБДУРАҲМОҶОВ.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» иктомий-сийсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 8552 Тираж: 15977 Баҳоси келишилган нарҳда. Топшириқди — 2000

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар: Ш.ХУЖАЕВ, Б.ИСРОИЛОВ.